



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVIY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов,
Наманган давлат университети доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E:mail. baxtiyor_m@mail.ru.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР

For citation: Bakhtiyor R.Khalmuratov, CRAFTSMANSHIP IN FERGANA VALLEY: ETHNIC AND REGIONAL CHARACTERISTICS. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.82-85

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680672>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Фарғона водийси ўзбеклари орасида кенг тарқалган ва ҳозиргача ўзининг асрий анъаналарини сақлаб келаётган хунармандчилик тармоқларидан бири – сартарошлик ҳақида сўз боради. Мақолада асосий эътибор сартарошликнинг водийга хос ҳудудий ва этник хусусиятлари, касб сирлари, усуллари, иш қуроллари, мазкур касб эгаларининг жамиятдаги бошқа функциялари, сартарошлик билан билан боғлиқ урф-одат ва маросимларга қаратилган.

Калит сўз ва иборалар: Фарғона водийси, ўзбеклар, моддий маданият, маънавий маданият, қадриятлар, урф-одат, маросимлар, хунармандчилик, хунармандчилик турлари, сартарошлик, устара, табиблик.

Бахтиёр Халмуратов Режавалиевич,

доцент Наманганского государственного университета,
доктор философии по истории (PhD)
E:mail. baxtiyor_m@mail.ru

РЕМЕСЛА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ: ЭТНИЧЕСКИЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ

АННОТАЦИЯ

Эта статья о парикмахерском искусстве, одном из ремесел, которое широко распространено среди узбеков Ферганской долины и до сих пор сохраняет свои вековые традиции. Основное внимание в статье уделяется региональным и этническим особенностям парикмахерского искусства долины, секретам профессии, методам, инструментам, другим функциям обладателей этой профессии в обществе, обычаям и ритуалам, связанным с парикмахерским делом.

Ключевые слова и фразы: Ферганская долина, узбеки, материальная культура, духовная культура, ценности, традиции, обряды, ремесла, виды ремесел, парикмахерское искусство, бритье, медицина.

Bakhtiyor R. Khalmuratov,

Associate Professor of Namangan State University,

Doctor of Philosophy and History (PhD)

Email: mail.bakhtiyor_m@mail.ru

CRAFTSMANSHIP IN FERGANA VALLEY: ETHNIC AND REGIONAL CHARACTERISTICS

ABSTRACT

This article is about hairdressing, one of the crafts that is widespread among the Uzbeks of the Fergana Valley and still preserves its age-old traditions. The main focus of the article is on regional and ethnic characteristics of hairdressing in the valley, secrets of the profession, methods, tools, other functions of the owners of this profession in society, customs and rituals related to hairdressing.

Index Terms and phrases: Ferghana Valley, Uzbeks, material culture, spiritual culture, values, traditions, ceremonies, crafts, types of crafts, hairdressing, shaving, medicine.

1. Долзарблиги:

Мустақиллик шарофати ила ўзбек халқининг тарихий турмуш тарзи, урф-одатлари, қадимий анъаналари, бой миллий ва маънавий қадриятлари, асрлар давомида яратилиб, бизнинг давримизгача етиб келган моддий маданият дурдоналари, амалий санъат асарлари, нодир ёзма манбалар, шунингдек халқимизнинг ақл-идроқи ва тафаккури ютуғи ҳисобланмиш хунармандчилик турларини илмий тадқиқ этиш учун имконият туғилди. Қолаверса, хунармандчилик турлари тарихи, ишлаб чиқариш жараёнлари, буюмлар шакллари, безаклари, ранглари билиш, уста-шогирд муносабатлари, урф-одат, анъана ва маросимларини ўрганиш янада долзарбдир.

Фарғона водийси аҳолисининг кундалик турмуш тарзида анъанавий хунармандчилик турлари ва у билан боғлиқ маросимлар қадим тарихга эга бўлиб, одамларнинг оилавий, хўжалик ҳамда жамоавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Мазкур хунармандчилик турлари ва у билан билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар турли даврларда ҳар хил диний ва сиёсий тазйиқлар остида шаклан ўзгарган ёки трансформацияга учраган бўлишига қарамай, ҳамон аҳолининг кундалик ҳаётида ўз ўрнини йўқотмай келмоқда. Айнан мазкур жиҳат биринчидан, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзининг ўзига хослиги ва тарихий асосларини ўрганишда долзарб ҳисобланса, иккинчидан, уй хунармандчилигининг локал хусусиятларини тадқиқ қилишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиши билан ҳам эътиборга моликдир.

Маълумки, водий ҳудудида қадимдан хунармандчиликнинг кўпгина турлари ривожланган бўлиб, улар маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бундай кенг тарқалган хунармандчилик турларига темирчилик, косибчилик, дурадгорлик, махсидўзлик, дўппидўзлик ва сартарошлик кабилар кирган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола умумқабул қилинган методлар - тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик ва илмий холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Марказий Осиё халқлари хунармандчилик муаммоси мустақиллик йилларида амалга оширилган бир қатор тадқиқотларда тарихий-этнологик аспектда ўрганилган бўлиб, уларда Фарғона водийсига хос бўлган хунармандчилик турларининг этник ва ҳудудий хусусиятлари, генезиси, эволюцияси ҳамда трансформациясига қаратилган [1. Б. 215].

3. Тадқиқот натижалари:

Водий ҳудудида кенг тарқалган ва аҳоли орасида ўзига хос ўринга эга бўлган хунармандчилик турларидан бири – сартарошлиқдир.

Сартарошлар. Қадимдан Фарғона водийси ҳудудида ушбу касб эгаларига халқ орасида айрим касалликларни даволовчи табиб сифатида ҳам қаралган. Улар тиш олиш, хатна қилиш, айрим тери устига яқин бўлган яраларни жарроҳлик йўли билан олиш билан ҳам машғул бўлган.

Устара – сартарошнинг асосий иш қуроли ҳисобланиш билан бир қаторда, табобат жарроҳлигида ҳам кенг ишлатилган. Масалан, устара сартарош сариқ касаллигига чалинган беморнинг қулоғи орқасидан қон олишида устара наштар вазифасини ўтаган. Шунингдек, риштани даволашда ва хатна қилишда ҳам асқотган [2. Б. 29].

Сартарошларнинг халқ орасида обрўси ниҳоятда баланд бўлиб, уларнинг жамиятнинг энг фаол аъзоларидан ҳисобланган. Жумладан, водий қишлоқларида сартарошларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, улар халқ орасида “уста” номи билан юритилган. Масалан, Наманган вилояти Поп тумани Санг қишлоғи аҳолиси сартарошларни кузда йиғилган дон ҳосилидан маҳсус улуш, яъни “ҳақала” билан таъминлаган бўлсалар [3. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Санг қишлоғи. 2022 йил], Фарғона вилояти Данғара тумани қишлоқларида эса XX асрнинг охирларига қадар мазкур касб эгаларига катта эътибор берилиб, уларга тўй маросимлари пайтида алоҳида дастурхон ёзиш одати мавжуд бўлган [4. Дала ёзувлари Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор ва Доимобод қишлоқлари. 2019 йил].

Фарғона водийсида сартарошлар нафақат соч-соқол олиш, балки жарроҳлик билан ҳам шуғулланган. Маълумки, исломдаги хатна қилиш, яъни бола олатининг учидан маълум тери қисмини кесиб олиш одатининг генезиси жуда қадимий ва узоқ тарихга бориб тақалади. Бу одат ва у билан боғлиқ расм-русумлар ибтидоий-жамоа тузуми даврида юзага келган бўлиб, баъзи халқларда синов тариқасида, бошқаларида эса бир ёш босқичидан иккинчи ёш чегарасига ўтиш белгиси (инициация) сифатида амалга оширилган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, эраמידан икки ярим минг йил муқаддам Миср қоҳинларида оддий одамлардан ажралиб туриш учун хатна қилиш одати мавжуд бўлган [5. Б. 15].

Фарғона водийси аҳолисида хатна қилиш дарахтлар уйғонмасдан бурун маҳсус уста-сартарош томонидан амалга оширилган. Усталар устоз-шогирд муносабатлари орқали ўз касбларини давом эттирганлар. Уларнинг ҳам ўз пирлари мавжуд бўлиб, водийдаги сартарош-усталарнинг пири Салмону пок деб аталади [6. Дала ёзувлари Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018 йил].

Уста боланинг аъзоси учига ғаров (ёғочдан ясалган қисқич) қистириб, аъзонинг чилпинадиган қисмини устара тиғи билан кесиб олган. Кесиш вақтида болага умри узоқ, ризки бутун бўлсин, деган ниятда нон тишлатилган. Мазкур удумнинг ўтказишдан мақсад, оғрик пайтида болани чалғитишдир.

Ўз навбатида, хатна жараёнида яна кўплаб қадимий удумларни учратиш мумкин. Ахборотчиларнинг фикрича, бола хатна қилинаётган пайтда у мойдай ёқимли, дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда онаси бир бармоғини унга, иккинчи бармоғини ёғга ботириб турган. Она бундай афсунгарлик амали билан гўё фарзандидаги оғриқни енгиллаштиришга ёрдамлашиб юборган [7. Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳри. 2020 йил].

Уста томонидан хатна бажариб бўлинганидан кейин, бола учун “хатна чилласи” бошланади. “Хатна чилласи” даврида бола янги туғилган чақалоқлар ва ёш келин-куёвлар билан кўришмаслик каби бир қатор чекловларга амал қилган. Хатнадан кейинги кечалари “чиллалар” бола хонадондан ташқарига чиқарилмаган, унинг олдида доимо яқинларидан кимдир бўлиши лозим ҳисобланган. Масалан, Наманган вилояти Косонсой туманида “қўли ҳалолланганлар” олдига ҳомиладор аёлларнинг кириши ҳам тақиқланади. Чунки, ҳомиладор аёл кирса, боланинг яраси зўриқиб кетади, деб ирим қилинган [8. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Чиндовул қишлоғи. 2018 йил].

Хатна қилинган хонадонда чилла даври мобайнида хонадон чироғи ўчирилмайди. Болани ёвуз кучлар, ёмон кўзлар таъсиридан сақлаш мақсадида ёстиғининг остига анъанавий мажик ҳимоя воситалари сифатида пичоқ, қалампир, саримсоқ пиёз ва исирик қўйилган.

Хатна жараёни кўпинча қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар иштирокида тор даврада ўтказилади. Барча удумларни хотин-қизлар бажаргани ҳолда, айнан хатна жараёни эркаклар томонидан амалга оширилган. Бу ҳам ўзбекларнинг кундалик маросимий ҳаётида ўзига яраша рамзий маъно касб этганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбек халқ табобатида сартарошлар тиш олиш, хатна қилиш, қон олиш ва бошқа мураккаб амалларни ҳам бажарганлар. Шунингдек, республиканинг айрим ҳудудларига хос

касаллик – ришта [9. Б. 188]дан кутулиш учун ҳам сартарошлар хизматига эҳтиёж бўлган.

Масалан, сартарош ва темирчи усталар – жарроҳлик, қон олиш, массаж қилиш, тиш олиш, хатна қилиш ва бошқа усулларни яхши билганлар. Ушбу касб эгалари табибликка даъво қилмасида, ўз касб сирлари билан бирга табобатга доир билимларини ҳам шогирдларига мерос қолдирган [10. Б. 69].

Фақатгина XX аср бошларида юз берган ижтимоий ўзгаришлар, жумладан, халқ табобатининг таъқиқланиши ва усталарнинг артелларга бирлашиши (артелларда усталарга кунлик режа белгиланиши, жойнинг торлиги ва бошқа омиллар сабабли, улар ўз касби доирасида фаолият юритишга мажбур бўлганлар) натижасида бошқа соҳа кишиларининг табобат билан шуғулланиши кескин қисқарган.

4.Хулосалар:

Шундай қилиб, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги ҳунармандчилик турлари билан боғлиқ қарашлар ва анъаналар асрлар мобайнида такомиллашиб, ривожланиб, турли даврлардаги дин ҳамда сиёсий мафқуралар тазйиқига қарамай, ҳанузгача давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи анъанавий ҳунармандчилиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни тарихий-этнографик аспектда ўрганиш ўзининг илмий-амалий аҳамиятини йўқотмаган мавзулар сирасига киради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Abdullaev U. S. Interethnic processes in the Fergana Valley. – Tashkent, 2005. – 215 p.; Agzamova G. A. Crafts and trade in Central Asian khanates. Doctor of History diss. – Tashkent, 2000. – 348 p.; Ashirov A. A. Ancient beliefs and rituals of the Uzbek people. – Tashkent, 2007. – 275 p.; Sarimsokov A. A. Calendar ceremonies of Uzbeks. – Tashkent, 2014; Davlatova S. T. Traditional crafts of the southern regions of Uzbekistan in the context of historical processes (second half of the XIX century – the beginning of the XXI century). History science DSc... diss. – Tashkent, 2019. – 270 p.
2. Goyibov M. and others. Khiva medicine. – Tashkent, 1995. – B. 29.
3. Field notes. Sang village Pop district Namangan region. 2022- year.
4. Field notes. Tumor and Doimabad villages Dangara district Fergana region. 2019- year.
5. Jumanazarov Kh. S. Traditions of Uzbeks related to folk medicine (historical-ethnological research). Doctor of Philosophy (PhD) dissertation in History. – Tashkent, 2018. – P. 15.
6. Field notes. Tumor village Dangara district Fergana region. 2018- year.
7. Field notes. Toraqorgan city. Namangan region. 2020- year.
8. Field notes. Chindovul village Kosonsoy district Namangan region. 2018- year.
9. Ringworm – is a disease caused by a roundworm that lives under the skin of humans and animals. This disease is always a threat to people because it is transmitted through contaminated water. This disease was widespread in the cities of the Bukhara Khanate in the XIX – XIX centuries. See more about it: Medical encyclopedic dictionary / Editor-in-Chief Yo. Torakulov. – Tashkent: Komuslar General Editorial Office, 1994. – P. 188.
10. Nazarov S. and others. Abu-l-Qasim-Az-Zakhravi – the founder of practical surgery of the middle ages // Journal of Uzbekistan medicine. – 2002. – №2–3. – P. 69.

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000